

Jizzakh State Pedagogical Institute



**Journal of Preschool
Education**

*The faculty of pre-school
education*

БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА.

Чманова Холида Тавбаевна -

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани 10-сон ДМТТ

Болаларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларга меҳр-муҳаббат ва кувонч бағишлаш, маънавий соғлом муҳитда камол топиши ва келажакда комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифалар каторидан ўрин олган бўлиб, айти вақтда айнан ушбу вазифалар Мактабгача таълим Вазирлигининг фаолиятини долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида узлуксиз таълим тизимининг биринчи муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим ташкилотлари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсад қилиб белгиланган. Ушбу Фармонда Мактабгача таълим вазирлигини ва вазирликнинг вилоятлардаги бошқармалари, туман ва шаҳардаги бўлинмаларини ташкил этиш белгиланган. Яна ушбу фармонда Мактабгача таълим вазирлигининг тўққизта асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланган, шундан, иккинчи вазифаси этиб илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-

шароитлар яратишдан иборат. Шундай экан, Фармондаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда мақтабгача таълим тизимида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Сифатли мақтабгача таълим бола келажагининг ривожланиш даврига пойдевор қўйувчи даври десак муболаға бўлмайди, инсонга хос сифатлар айнан мақтабгача таълим ёшида шаклланади. Ушбу даврда маълум мақсадга қаратилган таълим-тарбия таъсирида шахснинг сифатлари шакллана бошлайди. Боланинг мақтабда аъло баҳоларга ўқиши, ақлий қобилиятини намоён эта олиши, юқори кўрсаткич ва яхши натижаларга эришуви, унинг ақлан етук инсон бўлиб шаклланиши мақтабгача ёшида олган билим ва кўникмаларига боғлиқ. Мақтабгача таълим ташкилотларида болага йўналтирилган таълим асосида таълимни ташкил этиш боланинг мустақил, соғлом фикрли, умуминсоний кадриятларни кадрловчи, юксак маданиятли бўлиб вояга етишига асос бўлади. Мақтабгача таълимнинг асосий мақсади демократик жамиятнинг чинакам аъзосини тарбиялаб, вояга етказишдир. Ҳатто жуда кичик ёшли болалар ҳам танлаш, ўз ҳаракатларининг оқибати ҳақида ўйлаш, ўз тенгдошлари орасидаги турличаликни ҳурмат қилиш қобилиятига эга. Таълим асосини болани мақсадли йўналтириш, шахсий ҳис туйғуларни ҳисобга олиш ва ҳар бир боланинг ривожланиш босқичларига эътибор берган ҳолда ўқитиш ташкил этилади.

Маълумки, ҳар қандай шароитда тарбиячилар болани мақтабгача таълимни сифатли олиши учун бирдек маъсулият сезиши, болани таълим – тарбиясида аниқланган бўшлиқлар устида педагоглар билан ҳамкорликда ишлаши учун ўзаро мулоқотни, алоқани мустаҳкам бўлиши, улар ўртасидаги самарали ҳамкорлик орқали ўзаро келишилган ҳолда машғулотлар ўтказиши, боланинг ривожланишига кўмаклашуви зарурдир. Режалаштирилаётган ҳар бир машғулот шунчаки расмиятчилик учун ўтказилишига йўл қўймаслик зарур, аксинча, ёш тарбиячилар қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, кенг

маълумотларга эга бўлиш баробарида янги марралар сари илҳомлантирадиган, ташаббускорликка ундовчи таъсирчан шаклда ўтказилишига эришиш лозим. Тарбиячи машғулоти бошладан олдин кадам-бакадам тартибини кўз олдига келтириши, зарурий воситаларни тайёрлаши ва вақтдан унумли фойдаланиши шарт. Машғулотнинг ҳар бир босқичида умумий хулоса чиқаришга аҳамият қаратилиши, имкон қадар тавсиялар ишлаб чиқилиши, келгуси режалар белгиланишига (айирим машғулотлар тартибида тавсиялар ишлаб чиқилиши, келгуси режалар белгиланиши юзасидан намуналар) алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бу мақтабгача таълим ташкилоти педагоглари ишларини такомиллаштиришга, яқдиллигини таъминлашга замин яратади.

Мақтабгача таълим боланинг мақтабда аъло баҳоларга ўқиши, ақлий қобилиятини намоён эта олиши, келажакда комил инсон бўлиб етишиши ва яхши натижаларга эришуви, унинг ақлан етук инсон бўлишига хизмат қилади. Сифатли мақтабгача таълимни олган бола келажакда кўп имкониятларга эга бўлади, нотўғри йўлларга кириб кетиши эҳтимоли кескин пасаяди, яхши инсон бўлиб шаклланиши мақтабгача ёшдаги олган билим ва кўникмаларга боғлиқ, эканлиги ота-оналарга тушунтирилади. Болаларга доимий ғамхўрлик қилиш, уларга меҳр-муҳаббат ва қувонч бағишлаш, маънавий соғлом оила муҳитида камол топиши ва келажакда комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш давлат сиёсатини юқори даражасига кўтарилган вазифалар қаторидан ўрин олган, яъни мақтабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Мақтабгача ёшдаги болаларга сифатли таълим-тарбия бериш давлат аҳамиятидаги вазифа эканлигини барчамиз яхши биламиз. Мақтабгача таълим ҳаётий қарашлар билан ўлчанганда қисқа вақтни ташкил қилса ҳам, ҳаётнинг кейинги йиллари учун таъсири жуда аҳамиятлидир. Ҳаётий кўникма, билим ва одатларнинг асосини ташкил этган мақтабгача ёшдаги болаларга берилаётган имкониятлар қанчалик кенг бўлса, ёш ота-оналарга

болалар тарбияси ҳақида сабоқ бериш ҳам шунчалик муҳимдир. Тарбия давомида педагоглар ўз таъсирининг аҳамиятлилигини ва уни тўғри ташкиллаштириш учун фаол иштирокчилар эканликларини қалбдан ҳис этишлари лозим. Мақтабгача таълим ташкилоти соғлом, ҳар томонлама етук болаларни таълим бериш ва тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мунтазам равишда таълим олишига ота-оналарга ёрдам беради. Мақтабгача таълим ташкилоти педагогларининг мақсади этиб, боланинг таълим олишига бўлган ҳуқуқини амалга оширишини таъминлаш, боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий камолотини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умумтаълим ташкилотларида боланинг жамиятга мослашишини ва таълим олишини давом эттиришга тайёргарлигини таъминлашдан иборат. Вазифалари этиб болаларга мақтабгача таълим ва тарбия олиш имконини берадиган қулай муҳит яратиш, болаларда Ватанга муҳаббат туйғусини, оилага, ўз ҳалқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, атроф муҳитга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш, боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий тажриба орттиришни таъминлаш, боланинг жамиятга мослашишини ва бошланғич таълимга тайёргарлигини таъминлаш, таълим - тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этишдан иборат.

Бола мақтабгача таълимни доимий фаолият олиб бораётган мақтабгача таълим ташкилотларида, нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларида, оилавий мақтабгача таълим ташкилотларида, қисқа муддатли гуруҳларда олади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимизнинг қалби, онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Ёш авлодни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бошлаш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, тили ва

динидаи қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо маъсулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ёшларимизни тарбиялашда илк ёшдан эътиборан кучайтириш, педагоголар маъсулиятини ошириш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш муҳим масалалардан саналади. Мақтабгача таълим ташкилотида болани мақтабга тайёрлашда таълим ва тарбияни ҳар томонлама, жумладан, маънавий, ахлоқий, ақлий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияларини биргаликда олиб бориши яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Болага йўналтирилган таълим дастурини ташкил этиш” Т.:”Квинта Принт” нашри 2012й, 263б
2. “Сифатли мақтабгача таълим-бола келажагининг пойдевори”Т.: 2014 й 14-бет
- 3.Ф.Қодирова ва бошқалар.”Мақтабгача педагогика”-Т.:”Маънавият” 2013 йил, 160 б